

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТИЗИМЛИ  
КАМЧИЛИК ВА ҚОНУН БУЗИЛИШЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ  
БАРТАРАФ ЭТИШ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Академияси кундузги таълим З-ўқув курси  
307-гуруҳ курсанти  
*Рашидов Абдулазиз Абдулқосим ўғли*

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада профилактика инспекторининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигидаги ютуқлари, бугунги кунда олиб борилаётган ислохотлар ҳамда ҳамкорликдаги тизимли камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этипшга тўсқинлик қилаётган омиллар, натижаларни кўрсатувчи статистик маълумотлар, асосий хусусиятлари, ушбу фаолиятни такомиллаштиришга бағишлиланган олимлар, мутахассислар ва амалиёт ходимларининг фикрлари, мавзуга доир маҳсус адабиётлар ва бу борада эришилган ижобий натижаларни мустаҳкамлаш ва фаолиятни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** хуқуқбузарлик, хуқуқбузарликлар профилактикаси, гайриижтимоий хулқ-атвор, ҳамкорлик, камчилик, профилактика инспектори.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье представлены достижения инспектора по профилактике во взаимодействии с органами самоуправления граждан, проводимые сегодня реформы и выявление системных недостатков во взаимодействии, факторы, препятствующие их устраниению, статистические данные, отражающие результаты, основные характеристики. Разработаны мнения ученых, специалистов и практиков, посвященные совершенствованию данной деятельности, специальная литература по теме и предложения и рекомендации по закреплению достигнутых в этом отношении положительных результатов и дальнейшему совершенствованию деятельности.

Ключевые слова: правонарушение, профилактика правонарушений, антиобщественное поведение, сотрудничество, дефицит, инспектор по профилактике.

### ANNOTATION

In this article, the achievements of the prevention inspector in cooperation with citizens' self-government bodies, the reforms carried out today and the identification of systemic shortcomings in cooperation, the factors that prevent their elimination, statistical data showing the results, the main characteristics, the opinions of scientists,

specialists and practitioners dedicated to improving this activity , special literature on the topic and suggestions and recommendations for strengthening the positive results achieved in this regard and further improvement of the activity have been developed.

**Key words:** delinquency, delinquency prevention, antisocial behavior, cooperation, deficiency, prevention inspector.

## КИРИШ

Мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида ички ишлар органларининг фаолияти замон талабларига жавоб берадиган даражада, мазмун-моҳиятига кўра кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилди ва улар давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳар бир маҳалла энг олис, чекка қишлоқ ва овулларимизгача халқ билан ишлайдиган унинг дарди ғамига ҳамдард, қувонч, ташвишига шерик ва ҳамнафас бўлишга маънавий жиҳатдан қодир профилактика инспекторлари фаолият кўрсатишига керакли шарт-шароитлар яратилди. Профилактика инспекторларининг таянч пунктларида жамоатчилик аъзолари билан бир бинода фаолият олиб боришларига алоҳида эътибор қаратиб келинаётганлиги муҳим аҳамиятга этадир.

Хозирги кунда ички ишлар органларининг профилактика хизматлари томонидан кенг жамоатчилик ёрдамига таянган ҳолда маъмурий ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, хукукбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишни таъминлашга эришилмоқда.

Ички ишлар органларининг энг қуий тизими ҳисобланган ИИОларининг таянч пунктларида хизмат қиласидан профилактика инспекторларининг фаолияти ривожланган давлатлар тажрибалари ва махалла институтини инобатга олган ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш каби бир қанча вазифаларни бажариб келмоқда.

Ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг фаолиятида муҳим вазифалардан бири қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишdir.

Шу боисдан соҳани малакали ва билимли кадрлар билан таъминлаш, уларни жой-жойига қўйиш, касбий билим ва малакаларини шакллантириш, қонунларга риоя этган ҳолда хизмат олиб боришларини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу масалалар ўз ечимини топгандагина ички ишлар органи ходимларига халқнинг ишончи уйғонади.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари профилактика хизматлари тизимларида амалга оширилган ислоҳотлар давом эттирилиб, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ти Конунинг қабул қилиниши профилактика инспекторларининг жиноятларни очиш ва айборларни фош этиш фаолиятини тубдан имкониятларни оширди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши аввало ИИОларининг хуқуқбузарликлар профилактикасини яъни жиноятчиликка қарши кураш амалиётида энг самарали йўналишишини белгилаб берди. Хусусан, хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасаларнинг ваколатларини белгилаб берилиши, шунингдек уларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашларнинг тузилиши ушбу соҳадаги ишларнинг сифатини яхшилашга ва самарадорлигини ошишига хизмат қиласди.

«...Ўзбекистонда бангифуруушликка, жиноятчиликка қарши олиб борилаётган шафқатсиз курашни авваламбор ўзимизнинг порлоқ келажагимиз учун кураш деб биламан»<sup>1</sup>. Демократик давлат ўз фуқароларига тинч яшаш ва меҳнат қилиш имконини тўла таъминлаб бермоғи керак. Лекин, айни замонда жиноятчиликка қарши кураш шунчаки кампанияга айланиб кетмаслиги лозим. Бу иш – давлат сиёсатининг асосий принципларидан бири бўлмоғи керак<sup>2</sup>.

Жамиятда, унинг айрим худудлари ва соҳаларида криминоген вазиятнинг мураккаблашуви қуйидаги омиллар билан боғлиқ бўлди:

*биринчидан*, ушбу жараён республикада жуда ноқулай иқтисодий-ижтимоий шароитда бошланди. «Аҳолининг мутлақ кўпчилиги қашшоқликда кун кечираётган эди. Аҳолининг демографик таркиби боқимандаларнинг сони кўп бўлишини олдиндан белгилаб қўйган эди. Республика аҳолисининг деярли тўртдан уч қисми ўзининг энг зарурӣ эҳтиёжларини ҳам қондиришга қодир эмас эди»<sup>3</sup>;

*иккинчидан*, маъмурий буйруқбозлик усулида жамиятни бошқариш даврида аҳолининг кўпчилигига шаклланган бир текисчилик психологиясининг мавжудлиги. «Бундай шароитда одамлар ўз имкониятини ишга солмайди, балки юлғичлик, меҳнатсиз даромад олиш, ижтимоий тўловлардан текинга фойдаланиш ҳисобига яхши турмушни таъминлашнинг номақбул йўлларини топишга уринади. Бир текисчилик юз бераётганини ва ўз меҳнати баҳоланмаганини кўрган одам эса ранжийди, унинг тафаккури ўзгаради»<sup>4</sup>;

<sup>1</sup>Каримов И.А. Янги уй қурмай туриб эскисини бузманг. – Т., 1994. – Б.38.

<sup>2</sup>Каримов И.А. Йўлимиз мустақил давлатчилик ва тараққиёт йўли. – Т., 1994. – Б. 21.

<sup>3</sup>Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т., 1993. – Б. 74–75.

<sup>4</sup>Ўша манба. – Б. 75.

**учинчидан**, бозор иқтисодига ўтиш даврида ислоҳотларни амалга оширишдек масъулиятли вазифаларни бажаришда айрим шахсларнинг суиистъмолликлари, хато ва камчиликлари. «Ислоҳотлар ривожи халқ ўз тақдирини ишониб топширган раҳбарларига ҳам боғлиқ. Биз жамиятни қонун асосида ва қонун ёрдамида бошқаришга аҳд қилган эканмиз, ислоҳот қисматини айрим расмиятчилар қўлига топшириб қўймаслигимиз зарур. ...Минг афсуслар билан айтишимиз керакки, олижаноб ва улуғвор ниятлар, одамларнинг ғам ва ташвишлари, муаммо ва юмушлари четда қолиб, вазифада ўтирган айрим мансабдорлар ўйинчига айланиб, бир-бирининг жойини олиш, амал талашиш билан овора... Шу каби иркит ҳаракату интилишда юрган кимсалар бу беш кунлик дунёни, охиратни мутлақо ўйламайдилар. Уларга инсоф, меҳру оқибат тушунчалари мутлақо бегона... Улар қўл остидаги одамларга етарли эътибор бермайди, ўзидан юқори одамлар олдида эса, саккиз букилиб салом беради. Ишни билмайди десангиз, ўз манфаати йўлида шундай ишлатадики, ҳайрон қоласиз... Бугунги ўтиш давридан фойдаланиб, баъзи бир нафс балоси гирдобига тушган раҳбарлар ўз манфаатини қўзлаб, нопок йўлларга, хатто жиноят йўлига ўтиб кетаётган ҳолларни учратиш мумкин»;

**тўртингчидан**, маъмурий буйруқбозликнинг, жамиятда объектив равиша вужудга келган ва бозор муносабатларига ўтиш давридаги қийинчиликлар таъсирида яна ҳам чукурлашган инқирознинг оқибати сифатида миқдор ва сифат жихатдан ўсиб келган жиноятчиликнинг, айниқса унинг уюшган, ёпиқ ва қабиҳ тuri бўлган коррупция ва порахўрликнинг мавжудлиги.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармонида ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган қуйидаги тизимли камчиликлар уларнинг фаолиятига тўсиқ бўлаётганлиги кўрсатиб ўтилди:

**биринчидан**, республика, ўрта ва қуий бўғиндаги бўлинмалар ўртасида асосий вазифа ва функциялар аниқ тақсимланмагани ҳар бир ходимнинг фаолияти устувор йўналишларини ва ишнинг пировард натижаси учун шахсий жавобгарлигини белгилашни қийинлаштироқда;

**иккинчидан**, амалдаги ташкилий-штат тузилмалари куч ва воситалардан оқилона фойдаланишни таъминламаяпти, оқибатда марказий ва ўрта бўғиннинг баъзи хизматларида етарли иш ҳажми бўлмай туриб, керагидан ҳам ортиқча штат бирликлари сақланиб турган бир пайтда, қуий бўлинмалар зиммасига ҳаддан зиёд хизмат вазифалари юкланишига олиб келмоқда;

**учинчидан**, ички ишлар органлари мансабдор шахслари, шу жумладан профилактика инспекторларининг аҳоли билан мулоқоти йўлга қўйилмаган,

фуқаролар билан муомала маданияти пастлигича қолмоқда, ахолининг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик таъминланмаяпти;

**тўртинчидан**, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзаки кўриб чиқилмоқда, уларда кўтарилаётган масалалар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмаяпти, мурожаатларга расмиятчилик учунгина жавоб бериладигани фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқармоқда, уларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва бошқа ташкилотларга шикоят билан мурожаат этишга мажбур қилмоқда;

**бешинчидан**, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида ҳисобот бериб боришининг таъсирchan тизими, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмлари жорий этилмаган, бу эса ходимларнинг зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариши учун масъулиятини ошириш имконини бермаяпти;

**олтинчидан**, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича ишлар асосан, содир этилган ғайриқонуний қилмишларнинг оқибатларига қарши қурашишдан иборат бўлиб қолмоқда, хуқуқбузарликларнинг барвакт олдини олиш, уларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тизимли ва самарали чора-тадбирлар кўрилмаяпти;

**еттинчидан**, ўсиб келаётган авлодни бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилишга, ёшлар жиной фаолиятга, авваламбор, терроризм ва диний экстремизмга жалб этилишининг олдини олишга етарлича эътибор қаратилмаяпти, ички ишлар органларининг тарбиявий ўрни сезилмаяпти;

**саккизинчидан**, ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими ҳозирги талабларга жавоб бермайди, порахўрлик ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди;

**тўққизинчидан**, энг янги ахборот-коммуникация технологияларини тизимга жорий этиш, ички ишлар органларини замонавий воситалар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш даражаси қониқарсизлигича қолмоқда.

Ички ишлар органлари профилактика хизматлари фаолиятини таҳлил этиш жараёнида шу маълум бўлди, кўрсатиб ўтилган камчиликлардан ташқари фаолиятни самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришда қўйидаги муаммо ва камчиликлар учрамоқда:

Узоқ муддатга чет элга чиққан фуқаролар билан ишлаш вазифаси деярли фақат маъмурий худудларда профилактика инспекторлари зиммасида қолаётганлиги,

айниқса узок муддатта чет әлга чиқиб кетаётган фуқаролар күп ҳолларда бу ҳақда белгиланған тартибда ҳудуд фуқаролар йиғини ва профилактика (кatta) инспекторларига хабар берилмаётгандылығы билан боғлиқ қийинчиликтарни келтириб чиқармоқда.

жамоатчилик тузилмаларини билан ҳамкорликнинг самарали ташкил этиш имконияти чегараланғандылығы;

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш инспекцияси инспекторлари фаолиятининг таҳлили ҳам уларнинг ҳар бирида ўртacha 2-3 мингга яқин шахслар профилактик ҳисобда тургани сабабли ушбу фаолиятда иш ҳажми кўплиги билан боғлиқ муаммо мавжудлигини кўрсатади. Ҳисобда турган шахслар билан ишлаш ҳам кўп вақт сарфланишини ҳамда ушбу соҳадаги маҳсус билим ва тажрибани талаб этади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси долзарб вазифалардан бўлсада, бироқ ҳар бир ҳудудга ушбу хизмат инспекторларининг бириктирилмагандылығи.

*Уибу мақсаддан келиб чиққан ҳолда юқорида кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиши хизматлари олдига қўйидаги вазифалар кўйилди:*

– ҳудудлардаги криминоген вазиятни чукур таҳлил этиш, ҳуқуқбузарлик ва ҳодисаларни тизимли қайд этиш, профилактик фаолиятни ташкил этишга оид зарур ахборотларни тўплаш, дастурлаштириш, таҳлиллар асосида куч ва техник воситалардан, профилактика субъектларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш тизимини яратиш ва унинг натижаларини таҳлил этиш;

– профилактик ҳисобга олинган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оиласалар, муқаддам судланған шахслар билан профилактик ишлар олиб бориш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод бўлганларга ишга жойлашишларида амалий ёрдам кўрсатиш;

– ёшлар, айниқса вояга етмаганлар ўртасида изчил профилактик тадбирлар амалга оширилишини ташкил қилиш, шунингдек давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликда уларни ишга жойлаштириш, вояга етмаганларнинг ўқиш ва ишдан бўш вақтлари мазмунли ўтишини ташкил қилиш тадбирларини амалга ошириш;

– аҳолини иш билан таъминлаш, унинг яшаш шароитини яхшилаш, ижтимоий кескинликни юмшатиш ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабабларини бартараф этишнинг асосий шарти сифатида кичик бизнесни ривожлантиришда ҳокимият идораларига ёрдам кўрсатиш;

– диний-экстремистик йўналишлардаги ташкилот ва гурух-ларнинг қонунга хилоф фаолияти иштирокчилари ва унга алоқадор шахсларни ўз вақтида аниқлаш

ҳамда уларга нисбатан профилактик таъсир этишнинг комплекс тадбирларини қўллаш;

- фуқаролар ва муассасалар томонидан паспорт-виза, ўқотар қуролларни сақлаш тартиби ва қоидаларига қатъий амал қилиниши устидан назоратни таъминлаш, содир этилган жиноятларни очища, тергов ва суд органларига келишдан бош тортувчиларни ҳамда бедарак йўқолганларни қидиришда жиноят қидирув, тергов ходимларига амалий ёрдам қўрсатиш;
- амалдаги қонунларга асосан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар (муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш, ахлоқ тузатиш иши) ва шартли ҳукм қилингандарга белгиланган жазолар ижросини ташкил қилиш;
- ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқукий маданиятини шакллантириш ва ошириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борища ҳалқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ҳамда уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш;
- ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмалари учун кадрлар тайёрлаш, ходимларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ушбу хизмат ходимларининг умумий ва маҳсус тайёргарлигини юқори даражага кўтаришга хизмат қилувчи таълим технологиялари ва ўқитишнинг интенсив усусларини кенг қўллаш.

Ички ишлар органлари профилактика хизматлари тизимларида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида профилактика инспекторлари 2 – 2,5 минг киши яшайдиган маъмурӣ ҳудудда фаолият олиб борадиган бўлди. Замон талабларидан келиб чиқсан ҳолда профилактика инспекторлари лавозимлари кўпайтирилди. Эндиликда профилактика инспекторлари таянч пунктларида ички ишлар идораларининг бошқа соҳавий хизматлари ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда иш олиб борадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармонида ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар кўрсатиб ўтилди, ҳамда уларни бартараф этиш борасидаги 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли

ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш ушбу соҳани ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисобланди:

**биринчидан**, ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, ҳар бир ходими томонидан «Халқ манфаатларига хизмат қилиш»ни ўз хизмат бурчи деб биладиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш;

**иккинчидан**, замонавий хавф-хатар ва таҳдидларни, бажарилаётган ишлар муҳимлиги ва кўламини эътиборга олган ҳолда ички ишлар органлари барча даражадаги бўлинмаларининг вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш ҳамда тақсимлаш, ташкилий-штат тузилмасини мақбуллаштириш, куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш;

**учинчидан**, халқ билан аниқ мақсадни кўзлаб ўтказиладиган тизимли мулоқотни таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш, аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилишига ҳар томонлама кўмаклашиш;

**тўртинчидан**, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этишнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тартибини ўрнатиши, мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга юзаки ва расмиятчилик билан ёндашувларга чек қўйиш, фуқароларнинг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ваколат доирасида барча воситаларни ишга солиши;

**бешинчидан**, ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг аҳоли олдида мунтазам ҳисбот бериб бориши тизимини, қилинган ишларга баҳо беришнинг аниқ мезонларини, шунингдек уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш бўйича жамоатчилик, парламент ва депутатлик назоратининг самарали механизмларини жорий этиши;

**олтинчидан**, аввало, хуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш, аҳолининг барча қатламлари хуқуқий маданиятини ошириш, уларда қонунга хурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик туйғусини сингдириш йўли билан хуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва олди олинишини таъминлаш;

**еттинчидан**, вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни хурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш;

**саккизинчидан**, ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш

ҳамда янада такомиллаштириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишига олиб келаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

**тўққизинчидан**, ички ишлар органлари барча бўлинмаларининг фаолияти янада самарали бўлишини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

**ўнинчидан**, ички ишлар органлари фаолиятининг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, ходимларнинг самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларни хизмат турар жойлари билан таъминлаш.

Ушбу мақсаддан келиб чиқсан ҳолда профилактикаси хизматларининг мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш борасида қуйидаги вазифаларни амалга оширишлари фаолият самарадорлигини оширади:

– худудлардаги криминоген вазиятни чуқур таҳлил этиш, ҳуқуқбузарлик ва ҳодисаларни тизимли қайд этиш, профилактик фаолиятни ташкил этишга оид зарур ахборотларни тўплаш, дастурлаштириш, таҳлиллар асосида куч ва техник воситалардан, профилактика субъектларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш тизимини яратиш ва унинг натижаларини таҳлил этиш;

– профилактик ҳисобга олинган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оиласалар, муқаддам судланган шахслар билан профилактик ишлар олиб бориш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод бўлганларга ишга жойлашишларида амалий ёрдам кўрсатиш;

– ёшлар, айниқса вояга етмаганлар ўртасида изчил профилактик тадбирлар амалга оширилишини ташкил қилиш, шунингдек давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорликда уларни ишга жойлаштириш, вояга етмаганларнинг ўқиш ва ишдан бўш вақтлари мазмунли ўтишини ташкил қилиш тадбирларини амалга ошириш;

– аҳолини иш билан таъминлаш, унинг яшаш шароитини яхшилаш, ижтимоий кескинликни юмшатиш ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабабларини бартараф этишнинг асосий шарти сифатида кичик бизнесни ривожлантиришда ҳокимият идораларига ёрдам кўрсатиш;

– диний-экстремистик йўналишлардаги ташкилот ва гурӯҳ-ларнинг қонунга хилоф фаолияти иштирокчилари ва унга алоқадор шахсларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга нисбатан профилактик таъсир этишнинг комплекс тадбирларини кўллаш;

– фуқаролар ва муассасалар томонидан паспорт-виза, ўқотар қуролларни сақлаш тартиби ва қоидаларига қатъий амал қилиниши устидан назоратни таъминлаш, содир этилган жиноятларни очища, тергов ва суд органларига келишдан бош тортувчиларни ҳамда бедарак йўқолганларни қидиришда жиноят қидирув, тергов ходимларига амалий ёрдам кўрсатиш;

- амалдаги қонунларга асосан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар (муайян ҳукуқдан маҳрум этиш, ахлоқ тузатиш иши) ва шартли ҳукм қилингандарга белгиланган жазолар ижросини ташкил қилиш;
- ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ошириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борища халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ҳамда уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш;
- ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмалари учун кадрлар тайёрлаш, ходимларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ушбу хизмат ходимларининг умумий ва маҳсус тайёргарлигини юқори даражага кўтаришга хизмат қилувчи таълим технологиялари ва ўқитишнинг интенсив усусларини кенг қўллаш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, профилактика хизматлари фаорлиятидаги мавжуд тизимли камчиликларни ва қонун бузилишларини олдини олишнинг энг яъши усули бу соҳани виждонли, Ватанни севувчи, ватанпарвар, қонун ва қонун ости ҳужжатларини тўлиқ биладиган, уларга қатъий риоя қиласидиган, давлат ва халқ манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўядиган кадрлар билан таъминлашдир.

## ХУЛОСА

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатdir.

Жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида ички ишлар органларининг фаолияти замон талабларига жавоб берадиган даражада тубдан ислоҳ қилинди. Ислоҳатлар жараёнида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштириш ва уларнинг моддий-техник таъминотини янада яхшилаш, фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу чора-тадбирларнинг барчаси қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган.

## ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2019.
2. Шавкат Мирзиёев. “Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига

бағишланған тантанали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи., 2019., № 448 (6871) Б.1-3.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2019.
4. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2019.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Конун://Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 39-сон, 341-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Конуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2896-сонли қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги “Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчиларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 322-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 151-сонли буйруғи.
13. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 25 августдаги «Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 191-сонли буйруғи.